МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✹ 2013 йил 28 июнь. Жума №55 (916) ✹ www.mahallagzt.uz ✹ info@mahallagzt.uz

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, азизларни, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасида хизмат қилаётган инсонларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ва барчангизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

27 июнь куни — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб эълон қилинган бу санага бу йил роппа-роса йигирма йил тўлаётгани нафақат соҳа хизматчилари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда қутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одамларимизни, кенг оммани янгича фикрлашга, маънавий уйғоқликка, онгу тафаккуримизни ўзгартиришга даъват этадиган қудратли кучга, қисқача айтганда, кундалик ҳамроҳимизга айланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида «Тўртинчи ҳокимият» сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида аввалambор журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими — буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очиқ ва равшан қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Ва бу оғир юкни, бундай масъулиятли вазифани сиз, азиз дўстларим шараф билан ўз зиммангизда, ўз елкангизда кўтариб келмоқдасиз.

Матбуот, телевидение, турли информация воситаларининг — бугунги глобаллашув замонида жаҳон миқёсида барча-барча ўлкалар ва халқлар ҳаётида ҳал қилувчи ўрин олаётган бу соҳанинг тобора ошиб бораётган аҳамияти ва таъсири ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғланиб бораётганини инобатга олмайдиган мамлакат ўз ривожида умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетиши ва интеллектуал бойлигидан жудо бўлиши табиийдир.

Ҳаётда ўз тасдиғини топган ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида марказий ва ҳудудий телерадиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасида кенг кўламли ислоҳотлар, техник ва технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг катта амалий самарасини бермоқда.

(Давоми 2-бетда.)

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ


О.МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

**Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни оммага очиқ, холис ва тезкор етказиш — давр тақозоси.**

Мустақиллик йилларида миллий оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати ва таъсирчанлигини, журналистлар маҳоратини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибордан мақсад — халқимизнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жиҳатлар 27 июнь куни мамлакатимизда кенг нишонланган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тадбирларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу куни Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун байрам сайллари ташкил этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбирида вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

> [2]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

*Ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илгари маҳаллий ҳокимлик идоралари томонидан амалга оширилган 30 дан зиёд вазифаларни бажариб келмоқда. Бу эса аҳолининг мазкур тузилмага бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётир. Шу боис ҳам маҳалла том маънода халқ виждонига айланган эзгулик, ободлик маскани сифатида эътибор қозонмоқда.*

*Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Данғара тумани бўлинмаси ташаббуси билан Меҳрибонлик уйида вояга етган Лолахон Назарова ва «Кичик бойбуча» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Ўктамжон Ўтановларнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.*

*Бўлинма ташаббуси билан амалга оширилаётган бу каби хайрли ишларга тумандаги барча корхона ва ташкилотлар муносиб ҳисса қўшмоқда. Энг муҳими, маҳалла фуқаролар йиғинларида оилалардаги муаммоларни чуқур ўрганиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш борасида қатор ибратли тажрибалар тўпланган.*

*Жорий йилнинг ортда қолган даврида бўлинмага ёрдам сўраб мурожаат қилган 100 нафардан зиёд фуқарога «Халқ банки»да омонат дафтарчалари очилиб, 13 миллион 300 минг сўмлик маблағ ажратилди. Кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож 4 та оиланинг никоҳ тўйида қимматбаҳо совғалар топширилди. Қўқон педагогика институти 1-курс талабаси Дурдона Муҳаммедовага амалий ёрдам кўрсатилди. Наврўз умумхалқ байрами кунларида 200 та кам таъминланган оилага 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 60 та оила фарзандларига китоблар ва ширинликлар улашилди.*

*Бундан ташқари, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, даромадлари кўламини кенгайтириш мақсадида 5 та кам таъминланган оилага қорамол олиб берилди. Аслида эҳтиёжманд кишиларни йўқлаш, уларга ёрдам бериш халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибатлиликнинг ёрқин кўриниши. Истиқлол йилларида мазкур қадрият янгича шакл ва мазмун касб этиб, сайқал топиб бораётгани қувонарли ҳолдир.*

Омонулло ЙЎЛДОШЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Данғара тумани бўлинмаси раиси.

ЖАРАЁН

# ФАОЛИЯТ АНИҚЛИГИ АХБОРОТ ОЧИҚЛИГИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**«Ахборот очиқлигининг энг муҳим жиҳати у ёки бу фаолиятнинг аниқлиги ҳамда тушунарлилигидир. Шунга мос равишда тақдим этилаётган ахборот тушунарли шаклда ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда ишончли манбалардан олинган бўлиши шарт».**

Ушбу қоидалар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ўз ифодасини топган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилган.

> [3]

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# ЯНГИ ГУЗАР — МАҲАЛЛАНИНГ КЎРКИ, ЗИЙНАТИ




**Истиқлол берган имкониятлар бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яққол кўзга ташланмоқда. Ҳар қадамда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари авжида.**

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ВАКОЛАТГА ЯРАША МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ОРТАДИ

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.**

Бунинг натижасида давлат бошқаруви демократлаштирилиб, ҳокимият органлари ваколатига кирувчи кўплаб вазифалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ихтиёрига ўтказилди.

Фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу ваколатларни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Хусусан, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар маҳаллалар фаолиятининг ташкилий асосларини янада мустаҳкамлаш, уни аҳолини манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги ваколатларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олишнинг ягона тартибини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай тартибнинг жорий этилиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олишнинг ягона механизмини таъминлайди ҳамда амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга мос келади.

> [2]

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва «5000» рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида голографик эффектли ичкарига ботувчи ҳимоя ипи ўтказилган.

Билет олд томонининг юқори қисмида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшинкор элементлар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида еттита рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшинкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида билетнинг қийматини билдирувчи «5000» рақами тасвирланган.

Гербнинг ўнг тарафидаги «5000» рақами устига йирик ҳарфлар билан «SO'M» сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида билет қиймати сўз билан «BESH MING» кўрсатилган.

Нақшинкор рамканинг пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART» ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг жигарранг нақшинкор рамкаси, «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги «5000» рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган «5000» рақами унинг диагонали бўйича фарқланган икки хил рангда ишланган. Рақам тепасида билетнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил «2013» кўрсатилган.







Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида рангли нақшинкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида «5000» рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида «OLIY MAJLIS» меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи «5000» ва «SO'M» ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан «BESH MING» кўрсатилган.

Уларнинг пастки қисмида турли баландликдаги, қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини ёрқин тилла рангдан оч яшил рангга ўзгартирувчи иккита «5000» рақамлари жойлашган.

Шунингдек, банкнотнинг «5000» рақамдаги қиймати унинг юқори ўнг бурчагида ҳам тасвирланган.

Пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TAQIB QILINADI» ёзуви жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

< [1]

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткични 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани айниқса эътиборлидир.

Жумладан, охирги вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб бораётганининг тасдиғини юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етгани, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, анъанавий ахборот тизимлари билан бирга интернет сайтлари, интернет-радио, интернет-телевидение ҳам ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон теле-радио каналлари томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб давлатларига узатилаётгани, юртимиз оммавий ахборот воситаларининг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани мамлакатимизнинг халқаро медиамакондан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги байрам кунида нафақат ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юритиш, балки матбуот ва оммавий ахборот воситаларимизнинг олдида турган долзарб вазифалар, йўлимизда ҳали-бери тўсиқ-ғов бўлиб, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳақида холисона ва атрофлича фикр алмашиб олишимиз айни муддао бўларди.

Шу маънода, маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб бера оладиган, эски тузум асоратлари ва қолипларидан бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён эта олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда давлатимиз, бутун жамиятимиз, шахсан ўзим зарур кўмак ва рағбатлантириш чораларини кўришга, сиз, журналистларнинг олдингизда пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечишга тайёр эканимни билдиришни истардим.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига авваламбор уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, гражданлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо беради ва ўйлайманки, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳодир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги нотинч ва таҳликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда сиз, азиз журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюк тарих ва меросга эга эканимизни англаб, ана шу бебаҳо бойликни қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот аҳлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири ғоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамини кенг нишонлар эканмиз, миллий журналистикамиз ривожи йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча инсонларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор самимий табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

### 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ



ЎзА сурати.

< [1]

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикрини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етди. Бугун босма нашрларнинг қарийб 53 фоизи, теле ва радиоканалларнинг 64 фоиздан зиёди, веб-сайтларнинг эса 98 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Мамлакатимизда яшайдиган миллат ва элатларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Телекоммуникациялар тизими сунъий йўлдош орқали дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Президентимиз Ислом Каримов баён этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги каби қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда матбуот вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига биноан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттириш, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» анъанавий республика кўрик-танлови фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи журналистларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги танловга 142 ҳамкасбимиз томонидан 3 мингга яқин ижодий иш тақдим этилди.

Тадбирда «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга фаол ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналистлар тақдирланди.

Мамлакатимиз медиа муҳити ривожида заҳматкашноширлар, матбаа соҳаси ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ноширлар ва матбаа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши нашриёт», «Энг яхши матбаа корхонаси», «Энг яхши муқоваловчи», «Энг яхши босма устаси» ва «Энг яхши технолог» номинациялари бўйича ўз мукофотларини таъсис этди. Йиғилишда мазкур номинациялар бўйича ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири Насриддин Асриддинов, Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби Тамара Машарипова, «Uzbekistan Today» газетаси мухбири Екатерина Соболева юртимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш ва ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Давлатимиз раҳбарининг табригини тинглаб, мустақил Ватанда эркин ижод қилиш катта бахт эканини яна бир карра чуқур ҳис этдик, — дейди «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиби, НТТ телеканали мухбири Ҳабиб Пўлатов. — Бундай танловлар ва юксак ғамхўрлик ижодий рағбат, фаоллик ва изланишга ундайди. Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларнинг аҳамиятини оммага янада тезкорлик ва холислик билан етказиш борасидаги ишларимизга янги куч-қувват бағишлайди.

Байрам тадбири санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов иштирок этди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ВАКОЛАТГА ЯРАША МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ОРТАДИ

< [1]

Қонунга кўра, фуқаролар йиғинларига кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган фарзандлари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга йиғин ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда нафақалар тайинлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш каби ваколатлар берилди.

Фуқаролар йиғини кенгашининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш бўйича қўшимча вазифаларни бериш борасидаги ваколатлари ҳам кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, тўлов қобилиятига эга юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган тартибда кафил бўлишлари мумкин.

Шу муносабат билан янги қонунда фуқаролар йиғинининг ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, оилавий тадбиркорларга кредитлар олишда белгиланган тартибда кафил бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун давлат органларига мурожаат қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровномалар юбориш, ҳокимликлар раҳбарларининг ахборотларини тинглаш ва бошқа ҳолатлар белгиланди.

Қонун фуқаролар йиғини масъул котибининг, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор нормаларни ҳам назарда тутади. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантиришга йўналтирилган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олган.

Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини маҳалла институтига қўйилаётган янгича талаблардан келиб чиқиб янада такомиллаштиришга қаратилган.

Ушбу қонунда фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилар сайловида иштирок этувчи фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада оширишга қаратилган қоидалар белгиланган. Қонунга кўра, фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилар сайловини ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилиши кафолатланган. Мазкур сайловларда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан ортиқ номзод кўрсатилиши сайловларнинг қонунийлигини таъминлайди. Бундан ташқари, қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда ҳокимият вакиллик органларининг роли ва масъулиятини ошириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул органларнинг ваколатлари мустаҳкамланди.

Қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқ депутатлари Кенгашлари қарори билан кўмаклашувчи комиссиялар тузилиши ва уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Ушбу янги қоидалар сайловларни тизимли ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига ташкилий жиҳатдан кўмаклашишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, қонунда фуқаролар йиғини раиси номзодига қўйиладиган талаблар янада кучайтирилди. Жумладан, номзодлар бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда яшаётган, қоида тариқасида олий маълумотга ва ташкилотчилик қобилиятига эга, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши лозимлиги белгиланди.

Бундай қоидаларнинг мустаҳкамланиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига катта ҳаётий тажрибага эга ҳамда аҳолининг ҳурмати ва ишончини қозонган фуқаролар сайланишини таъминлаш, уларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда очиқликка эришиш, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини демократлаштириш, қолаверса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 13-15 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва малакасини ошириш ҳамда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича уч кунлик ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар маҳаллаларнинг юртимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги ваколатларини янада кенгайтиради ҳамда ушбу соҳага муносиб кадрлар сайлаш имконини беради.

**Баҳодир ЮНУСОВ,**
**«Маҳалла зиёси» Республика ўқув-услубий маркази директори.**

### АСКАРДАН МАКТУБ КЕЛДИ

## ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ



**Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Жўраевлар хонадонига Ферузжоннинг ҳарбий қисм командиридан миннатдорлик мактуби келгани бир зумда бутун маҳаллага овоза бўлди. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй унинг ота-онасини қутлагани йиғилишди.**

Хатда Ферузжоннинг ўз аскарлик бурчини сидқидилдан адо этаётгани, ҳарбий ва жанговар тайёргарликда фаол иштироки билан хизматдошларига ўрнак бўлаётганлиги таъкидланиб, шундай фарзанд тарбиялаб ўстиргани учун ота-онаси ва маҳалла-кўйга миннатдорлик билдирилган эди. Хат кўпчиликни ҳаяжонлантирди, айниқса, Ферузнинг ўртоқлари кўзида ўт чақнади. Уларнинг аскарга ҳаваси келгани ошкора билиниб турарди.

Ангор туманидаги «Қўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинидан Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида 48 нафар йигит хизмат қилади. Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятидаги ҳарбий ўқув юртларида таълим олаётган Баҳром Жўраев ва Жуманазар Уролов каби йигитлар эса маҳалланинг фахрига айланган. Улар байрамларда, таътил вақтида, албатта, учрашув ва суҳбатлар ўтказиб туришади.

Маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Улар орасида армия ёшидаги йигитлар анчагина. Ҳар йили Қуролли Кучларимиз сафига хизмат қилишга 20-25 нафар йигит жўнамоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Мастура Тангриқулова бошчилигида ёшлар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик мавзуида турли тадбирлар ўтказишмоқда. Шу йилнинг ўзида Ватан ҳимоячилари куни, Хотира ва қадрлаш куни ва бошқа шонли саналар муносабати билан маҳаллада «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди. «Армияда хизмат қилиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз», «Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат», «Сизларни унутмаймиз, юрт осойишталиги йўлида қурбон бўлган жигарларимиз», «Эъзоз», «Эҳтиром» мавзуларида учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди. Унда маҳаллада истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Ангордаги ҳарбий қисм зобит ва аскарлари қатнашмоқда.

Йиғин фаоллари билан тарғибот-ташвиқот тадбирларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш мактабига айлангани, халқ ва армия бир тану бир жон эканини» бугун дилдан ҳис этмаган киши йўқ. Ферузжон Жўраевнинг ўз ҳарбий хизматини сидқидилдан адо этаётгани бунинг яққол ифодаси. Армиямиз сафида у каби алп ёшлар кўп.

Ҳудуддаги 1-, 2-, 35-умумтаълим мактабларида ҳарбийлар билан ўтказилган учрашувларда ўқувчиларнинг фаол иштироки ватанпарвар ёшлар кундан-кунга кўпаяётганидан далолат.

Дарҳақиқат, ёшлари ватанпарвар юрт саодатлидир. Бугунги авлод турли соҳаларда эришаётган ютуқлари билан дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Мард ва танти йигитлар миллий армиямиз сафларида Ватанимиз осойишталиги ва дахлсизлиги йўлида шараф билан хизмат қилмоқдалар. Ана шундай жасур ўғлонлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**М. АЗИМОВ**
**«Mahalla»**

### 26 ИЮНЬ — БУТУНЖАҲОН ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

## «ЗАҲРИ ҚОТИЛ» ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

**Бугунги кунда гиёҳванд моддалар олди-сотдиси дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолар сирасига киради.**

Ҳар йили бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан далилий ашё сифатида қўлга олинган наркотик моддаларни ёқиш тадбири уюштирилади. Бу гал 1 тонна 500 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик воситалари, жумладан, 200 килограммга яқин героин, 760 килограмм қорадори, 410 килограммдан ортиқ марихуана, 140 килограммдан ортиқ гашиш, 27 килограмм кўкнори, қарийб 20 минг туп наша ўсимлиги, кўплаб таблетка ва эритма ҳолатидаги психотроп моддалар ўтга ташланди.

Ўзбекистон 1995 йил БМТнинг 1961 йилдаги «Наркотик моддалар тўғрисида»ги, 1971 йилдаги «Психотроп моддалар тўғрисида»ги, 1988 йилдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияларига қўшилди. Ўтган давр мобайнида «заҳри қотил» айланмасига қарши қатор самарали чоралар кўрилмоқда. Жумладан, 1999 йилда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги» қонун қабул қилинди. 1994 йилдан ҳозирги пайтгача 50 тонна «заҳри қотил» йўқ қилинди.

Юртимиздаги наркотиклар айланиши билан боғлиқ вазиятга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар кўп. Халқаро экспертлар маълумотига кўра, Афғонистонда 2012 йилда кўкнор экилган майдонлар 154000 гектарга етган. Лекин ҳосилдорлик 2011 йилга нисбатан 50 фоизга камайган. Қорадори ишлаб чиқариш 36 фоизга пасайиб, 3700 тоннани ташкил этган.

Наркотик моддаларнинг транзит равишда юртимизга ва ўлкамиз орқали бошқа ҳудудларга тарқатишга уринишлар ҳамон жиддий муаммолардан бири бўлиб турибди. Қўшни Қирғизистон, Тожикистон ва тўғридан-тўғри Амударё орқали Афғонистондан наркотик моддалар олиб ўтишга уринишларга барҳам берилаётир. Чегара постларида «заҳри қотил»нинг ноқонуний айланишига қарши қаттиқ назорат ўрнатилган.

Давлат божхона қўмитаси ходимлари 2012 йил давомида наркотик моддалар ва психотроп воситаларни олиб ўтиш билан боғлиқ 332 ҳолатни аниқлаган ва кўп миқдордаги гиёҳванд моддалар далилий ашё сифатида қўлга олиниб, йўқ қилинган. Бош прокуратура томонидан наркотикларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жами 5400 дан зиёд жиноят иши назорат тариқасида ўрганилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг ғайриқонуний фаолиятини аниқлаш ва чек қўйиш, контрабанда йўлларини тўсиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш, мазкур иллатнинг олдини олиш бўйича тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, 2012 йилда наркотикларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 8155 тани, мусодара қилинган моддалар миқдори эса 3040 килограммдан ортиқни ташкил этди.

Мамлакатимизда инсон тақдири, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилади. Билиб-билмай йўлдан адашган, ушбу «заҳри қотил»ни истеъмол қилиб, оқибатда унинг чангалига илинган ватандошларимизнинг олдинги ҳолатини тиклаши, даволаниши учун ҳам зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Наркологик даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация муассасалари модернизация қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Маҳаллалар билан ҳамкорликда 10 минг яқин тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди.

Далилий ашё сифатида қўлга олинган наркотик моддаларни ёқиш тадбирида 100 га яқин чет эллик кузатувчилар ҳам иштирок этишди.

**Баҳодир ҲАЛИМОВ**
**«Mahalla»**

ЖАРАЁН

# ФАОЛИЯТ АНИҚЛИГИ АХБОРОТ ОЧИҚЛИГИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



< [1]

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойишига мувофиқ, қонун лойиҳаси нормалари энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади.

Фармойишга асосан, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамиятини кучайтириш мақсадида жорий йил мобайнида ҳуқуқий эксперимент ўтказиладиган ҳудудий-маъмурий бирлик сифатида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳуқуқий эксперимент субъектлари этиб белгиланди.

Ижтимоий жараёнлар шаффофлигини таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга доир норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришнинг муҳим жиҳатидир.

Қонун лойиҳаси давлат органлари ахборот очиқлигига оид самарали қонунчилик механизмини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиб-тамойиллари, очиқликни таъминлаш механизми таркибий қисмлари қонунчилик даражасида аниқ ва пухта кўрсатиб ўтилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топган ахборот очиқлиги тамойили фуқароларнинг жамият ёки уларнинг шахсий манфаатларига дахлдор ахборотни олишда, аҳолини қабул қилинаётган ва амалдаги қарорлар ҳақида тизимли хабардор қилиб боришда, шунингдек, давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазасига оид қабул қилаётган қарорлари устидан назоратни амалга оширишда ўзини намоён этади.

Шу ўринда ҳуқуқий эксперимент ўзи нима, деган ҳақли савол туғилади.

Ҳуқуқий эксперимент — бу экспериментал ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини, фойдалилигини ва тежамлилигини текшириш ҳамда умумий амал қиладиган бўлғуси қонуннинг мақбул вариантларини пухта ишлаш учун белгиланган географик ва вақт кўламида қонун лойиҳаси нормаларини апробациядан ўтказишдир.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари улар фаолиятидан кенг хабардор бўлишига йўналтирилган қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд вилоятида ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментнинг дастлабки натижалари бу жараёнда маҳаллий аҳолининг фаол иштирок этаётганини кўрсатмоқда.

Айни пайтда вилоятнинг 16 та шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда экспериментда иштирок этаётган бошқа субъектларда ахборот хизматига масъул ходимлар тайинланиб, 21 та янги веб-сайт рўйхатга олинди. Республика идораларининг вилоятдаги бўлимларидаги 17 та сайт фаолияти эса янада такомиллаштирилди. Натижада Самарқанд вилоятида ўз веб-сайтига эга корхоналар сони 64 тага етди. Улар аҳолининг ахборот ва маълумотларга бўлган талабини қондиришга хизмат қиляпти. Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида ҳуқуқий эксперимент субъектларининг аппарат ходимлари иштирокида ўқув-семинар ўтказилиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг турли услублари, ҳисобот шаклларининг ўз вақтида, ҳаққоний тўлдириб борилиши юзасидан яна бир бор тавсиялар берилди. Энг муҳими, фуқаролар ана шундай ўзгаришларни яққол ҳис этяптилар. Буни веб-сайтларга келиб тушаётган турли мурожаатлардан ҳам кўриш мумкин.

Ушбу қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кучайтиришга хизмат қилади.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлари юзасидан масъулиятини, қолаверса, фаолиятини очиқ ва ошкора юритишида қўл келади. Шунингдек, юртимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишда фуқаролар йиғинлари фаолиятини кенг ёритиш ҳамда аҳолини улардан хабардор қилиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун фуқароларнинг мамлакатимиз Конституциясининг 30-моддасида белгиланган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда айни муддаодир. Зеро, унда Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаоллигига таъсир этувчи омиллардан бири бу — уларни давлат ҳокимияти органлари қабул қилаётган қарорлар, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Натижада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилиб, қабул қилинган ҳужжатлар ҳаётга самарали татбиқ этилади.

**Элдорбек МАМАТОВ,**
**Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультети талабаси.**

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# ЯНГИ ГУЗАР — МАҲАЛЛАНИНГ КЎРКИ, ЗИЙНАТИ

< [1]



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юртимизда қад ростлаётган обидалар, намунавий лойиҳа асосидаги турар-жойлар ва бошқа иншоотлар халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан, эртанги кунга бўлган ишончидан далолатдир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бунёд этилаётган замонавий маҳалла идоралари, гузарлари ҳам юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 191 таси реконструкция қилиниб, 68 та бино маҳалла фуқаролар йиғини балансига ўтказилиб берилди, — дейди Фонднинг республика бошқаруви етакчи мутахассиси Воҳид Ўринбоев. — Жумладан, биргина Навоий вилояти Нурота туманидаги Алишер Навоий номидаги ҳамда «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини бинолари ҳомийлар томонидан, Хатирчи туманидаги Хонақа қишлоқ фуқаролар йиғини биноси замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Навбаҳор туманида О.Фармонов номидаги маҳалла биноси ҳам замон талабларига мос таъмирланиб, ишга туширилди.

Сурхондарё вилоятида 14 та, Тошкент вилоятида 8 та, Хоразмда 4 та, Қашқадарёда 1 та, Жиззахда 1 та, Андижонда 3 та, жами 31 та янги маҳалла гузари ташкил қилингани юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилаётган эътибор ифодаси.

— Замонавий маҳалла марказларини қуриш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, — дейди В.Ўринбоев. — Унга кўра, Бектемир туманидаги О.Аширов номидаги, Миробод туманидаги «Сарикўл», Мирзо Улуғбек туманидаги «Аҳиллик», «Шаҳриобод», Алишер Навоий номидаги, Олмазор туманидаги «Қичқириқ», «Мустақиллик», Сергели туманидаги Шукур Бурҳонов номидаги, «Янги Сергели», Ҳамза туманидаги «Беҳизор», «Гўзал», «Парвоз», Учтепа туманидаги «Латифгузар», «Кўксарой», Чилонзор туманидаги «Чилонзор», «Катта Қозиробод», Шайхонтоҳур туманидаги «Хадра», «Оқилон», Юнусобод туманидаги «Гулистон», «Уч Қаҳрамон» маҳаллаларида «Маҳалла маркази»ни қуриш режалаштирилмоқда. Айни пайтда Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номидаги ҳамда Сергели туманидаги «Янги Сергели» маҳаллаларида замонавий кўринишдаги маҳалла марказлари бунёд этилаётир.

Чунончи, Тошкент вилоятининг Паркент, Пискент ва Зангиота туманларидаги массивларда қад ростлаган замонавий уй-жойларга ёндош ҳудудларда янги маҳалла марказларининг барпо этилгани барчанинг, ҳатто хорижликларнинг ҳам эътиборини тортди. Гап шундаки, Паркент туманидаги «Гулбоғ», Пискент туманидаги «Гулистон» ҳамда Зангиота туманидаги «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинлари янги, замонавий биноларда фаолият юритмоқда.

Замонавий уй-жой биноларига мос тарзда қад ростлаган мазкур фуқаролар йиғинлари атрофида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Эътиборлиси, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида болалар майдончалари ҳам қурилган.

Замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилаётган маҳалла идораларининг яна бир қулай жиҳати шундаки, бу ерда милиция таянч пункти, тиббиёт мажмуаси, банк ва бошқа ташкилотлар ҳам фаолият олиб боради. Бу эса аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, ҳудудда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фонд ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунга қадар 551 та фуқаролар йиғини компьютер, 524 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар маҳалла институти мавқеини юксалтириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда юртимиз ободлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иброҳим БЕК
«Mahalla»

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) ЖАМОАСИ

ASAKA BANK

Мамлакатимизда фаолият юритаётган журналистлар ҳамда барча қалам аҳлини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан самимий муборакбод этади.

Юртимизда истиқлол шарофати билан рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар моҳиятини юртдошларимизга тезкор ва ҳаққоний етказиш йўлидаги машаққатли, шу билан бирга, шарафли ишингизда муваффақият ҳамиша ёр бўлсин!

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий парвозлар тилаймиз.



СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# ЭЗГУ МАҚСАД ВА АМАЛГА СОҲИБЛИК САОДАТДИР


ЎзА сурати.

**Маҳалламизда 6,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда ҳамжиҳатлик ва бирдамликни таъминлаш биздан астойдил меҳнат қилишни тақозо этади.**

Бундан бир неча йиллар аввал йиғин маслаҳатчиси сифатида энди иш бошлаган пайтларим эди. Маҳалламиздаги бир қозоқ оиланинг фарзанди ўзбек қизи билан аҳд-паймон қилган экан. Қизнинг уйидагилари бу никоҳга норози бўлишига қарамай, йигит ўз урф-одатига биноан бўлажак келинни олиб қочган. Қизнинг акалари йигитга нисбатан қатъий чоралар кўрган. Қиз бечора эса икки ўт орасида: муҳаббатини ўйласа, оиласидагилар ранжийди, яқинларини деса...

Воқеани эшитгач, қиз билан суҳбатлашдим. У йигитга кўнгли борлигини билдирди. Бироқ алдаб олиб қочганидан қаттиқ ранжиган экан. Қариндошлари эса: «Бу ишни суд ҳал қилади», деб туриб олишди.

Ўйлаб кўрсам, бундан ҳеч ким наф кўрмайди. Йигит айби учун қонуний жазоланиши мумкин, қиз эса гап-сўзга қолади. Қизнинг ота-онаси, акалари билан суҳбатлашиб, минг уриниб, уларни тўйга рози қилдим: икки ёш турмуш қурди. Ишонасизми, ҳозир уларнинг бахтига маҳалладагиларнинг ҳаваси келади.

Мазкур воқеа менга ҳудудда «қиз олиб қочиш» удумини бартараф қилиш лозимлигини англатди. Ёшлар, айниқса, йигитлар билан тушунтириш ишлари олиб боришга, ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадидаги тадбирларни кўпайтиришга тўғри келди. 2011 йилда 2 та «қиз ўғирлаш» рўй берган бўлса, 2012 йилда бундай ҳолат мутлақо қайд этилмади. Ҳудудимиздаги қозоқ йигит-қизлари ҳам ота-оналар розилиги билан турмуш қуришмоқда.

Байрам ва тантаналарда маҳалла аҳлини бирлаштириб, барчани бирдек хурсанд қилишнинг ўзи бўлмайди. Тадбирларга тайёргарлик жараёнида ҳар бир миллат вакилларининг фаоллик кўрсатишига аҳамият бераман. Шунингдек, фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссиялар иштирокида ўтказиладиган йиғилишларда қозоқ, қорақалпоқ, корейс, татар, рус каби ҳудудимиздаги барча миллат вакилларининг баравар иштирок этишини таъминлайман. Миллатлар ўртасидаги тенглик ва ҳамжиҳатлик сабаб ҳам ҳамма бир-бирига худди қон-қариндошдек иззат-ҳурматда.

«Ажралишлар бўлмаган миллатга аъзо бўлардим», деган экан донолардан бири. Дарҳақиқат, оилаларнинг бузилиши жамиятнинг муаммосидир. Маҳалладаги иш суръати, маънавий муҳит ҳам айнан оилалар тинч-осойишталиги билан белгиланади.

Иш бошлашим биланоқ ажрим ҳолатларига чек қўйиш, никоҳи бузилиш арафасидаги оилаларни тиклашни асосий мақсад сифатида англаганман. Баъзида оилавий ишларга аралашиб, маломатга қолган пайтларим ҳам бўлган. Бу қанчалар алам қилмасин, мақсадимдан чекинмаганман. Яхши гап илонни инидан чиқариши рост экан. Уч йиллик фаолиятимда ажрашишга аҳд қилган 20 та оиланинг 19 тасида соғлом муҳит шакллантирилди. Фақат биттаси фарзандсизлиги боис ўзаро келишиб, никоҳини бекор қилдирди.

Учқудуқ — саноат ҳудуди. Маҳаллий аҳолидан ташқари бу ерга келиб-кетувчилар ҳам кўп. Шу боис доимо ҳушёр туриб, маҳалламизда яшай бошлаган фуқаролар билан тезда танишиб, улар ҳақида билишга ошиқаман. Бир марта шундай воқеа содир бўлди: заводга ишга келган фуқаронинг оиласи йўқ эди. У аввалига бўш пайтларида мактаб ўйингоҳида турли спорт машқларини бажариб юрди. Турган гапки, оғир тошларни кўтарадиган, мураккаб машқларни бажарадиган бу йигитга кўпчилик, айниқса, ўсмирлар қизиқа бошлади. Секин-аста у ўсмирларни ўз атрофига тўплаб, уларга ҳам ўз маҳоратини ўргатди. Ҳаммаси рисоладагидек эди. Биз ҳам маҳалламизга шундай инсон кўчиб келганидан, болаларга спорт сирларини ўргатаётганидан хурсанд бўлдик. Аммо унинг машғулотлар баробарида болалар билан узоқ мулоқот қилиши менда шубҳа уйғотди. Якка ўзи тинимсиз машқ бажарадиган бу одам нега болалар кўпайса, «мажлисбоз» бўлиб қолади? Суриштирсак, у ҳеч кимга сездирмай, миссионерлик тарғиботини олиб бораётган экан. Тезкор чора кўриб, бундай салбий ҳолатга барҳам бердик.

Ёшларни тўғри йўлга солиш борасидаги ишларимиз натижасида сўнгги икки йилда ҳудудимизда эрта никоҳ ҳолатлари қайд этилмади. Шунингдек, жамоатчилик асосида таълим муассасаларидаги давоматни ҳам мунтазам назорат қилиб боряпмиз.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Яшаётган ҳудудимиздаги ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари фаолиятимизни белгиловчи омил. Шу боис «Маҳалламизни гулга буркайлик» шиори остида ҳашарлар ташкил этяпмиз. Бу эса атроф-муҳитга чирой, ишларимизга барака, руҳиятимизга қувват бағишлаяпти.

Ҳадемай, юртимизда энг азиз, энг улуғ айём — Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 22 йиллиги кенг нишонланади. Бу қутлуғ санани обод маҳаллада, обод турмуш билан муносиб кутиб олаётганимиздан хурсандмиз. Фуқаролар йиғинларининг «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»си кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблигини қўлга киритганим қутлуғ сана арафасида маҳалламизга муносиб тўҳфа бўлди. Жонажон гўша — маҳаллани ривожлантириш, обод қилиш эса ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Ҳулкар АСҚАРОВА,**
**Учқудуқ туманидаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

ТАНЛОВ

# НАМУНАЛИ ЙИҒИНЛАР САРАЛАНДИ


ЎзА сурати.

**Юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.**

Буни юртдошларимизнинг яратувчанлик кайфияти, аҳолининг турмуш даражаси кун сайин фаровонлашиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланаётганидан ҳам англаш қийин эмас. Ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг мавқеи ҳам юксалиб бормоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллаларни турли соҳаларни қамраб олган ҳолда ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўтказилиб келинаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови тизим фаоллари учун ўзига хос тажриба мактабини ўтамоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Косон тумани бўлинмаси, туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, тиббиёт бирлашмаси, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, касаба уюшмаси, маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида тумандаги 63 та фуқаролар йиғини ўртасида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг саралаш босқичи ўтказилди.

Низомда белгиланганидек, танловни ташкил этиш ва ўтказишда қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик каби тамойилларга риоя этилди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан йиғинларнинг илғор иш тажрибаси, маънавий-маърифий соҳадаги ютуқлари, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга кўмак бериш, ёшлар тарбияси, болалар ва хотин-қизлар саломатлигини асраш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги фаолияти атрофлича таҳлил этилди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин «Калдарё» маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди. Иккинчи ўринга Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини лойиқ топилган бўлса, учинчи ўринни «Наврўз» маҳалласи қўлга киритди.

Ғолиблар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**Холида БАФОЕВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Косон тумани бўлинмаси бош мутахассиси.**




## Ёлғон хабар

**Польшада бомбалар қўйилганлиги ҳақидаги таҳдидли хабарлар сабаб 20 дан ортиқ муассасада одамлар эвакуация қилинди.**



Эвакуация давлат муассасаларига келган электрон хабарлардан сўнг амалга оширилган.

Бундай хатларни Варшава, Краков, Катовиц, Кошалин, Щецин, Остроленк ва Еленя-Гуредаги шифохоналар, суд ва прокуратура идоралари ҳам олишган. Полиция бу ташкилотларнинг бирортасида ҳам портловчи мослама топилмаганлигини маълум қилган. Текширувлар давом этмоқда.

## Тартибсизлик оқибати

**Хитойнинг шимоли-ғарбида жойлашган Синьцзян-Уйғур автоном ҳудудида юзага келган қўзғолон 27 нафар кишининг умрига зомин бўлди.**



Маҳаллий ҳукумат вакилларининг маълумотларига қараганда, бир гуруҳ одамлар совуқ қуроллар билан полиция участкаларига ҳужум қилишган ва бир нечтасини ёқиб юборишган. Ҳужумлар оқибатида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг тўққиз нафар ходими бўлган.

Айни дамда тартибсизлик келтириб чиқарганларни қидириш ишлари олиб борилмоқда. Воқеа сабаблари ҳозирча ошкор этилгани йўқ.

## Самолётдаги ўғирлик

**Швейцариянинг «Swiss International Air Lines» авиакомпанияси лайнери бортидан парвоз пайтида 1,2 миллион доллар нақд пул йўқолган.**



Пулнинг йўқолганлиги самолёт Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди халқаро аэропортига қўнганидан сўнг маълум бўлган.

Авиакомпания ходимлари самолёт бортидан аэропорт ҳудудига ҳеч қандай моддий бойлик олиб чиқилмаганини айтишмоқда.

Интернет хабарлари асосида Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

СПОРТ

Футбол

# Вакилларимиз гуруҳ пешқадами



**Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Туркияда давом этаётган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг «F» гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.**

Дастлабки баҳсда Янги Зеландия ёшларини 3:0 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртларимиз хорватларга қарши учрашувда муроса йўлини танлашди. Учрашувнинг 24-дақиқасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг марказий ҳимоячи Сардор Раҳмонов чиройли услубда Оливер Зеленика дарвозасини ишғол қилди. Бироқ иккинчи бўлимда рақиблар ҳисобни тенглаштирди.

Учршувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Аҳмаджон Мусаев кейинги ўйиндаги дуранг натижа ҳам нимчорак финалга чиқиш учун етарли бўлса-да, жамоа 3 очко олиш учун ҳаракат қилишини таъкидлади.

Айни пайтда вакилларимиз Уругвай ва Янги Зеландияни очколар ҳисобида, хорватларни эса тўплар нисбатига кўра ортда қолдирмоқда.

Э.ЖУМАНОВ
«Mahalla»

«ЁЗ — 2013»

# Мазмунли ва мароқли мавсум

**Урганч шаҳрининг «Гулчилар» маҳалласидаги футболга ихтисослашган 5-сон мактаб-интернат қошида ташкил қилинган «Футболчи» оромгоҳи воҳа маҳаллаларидан ташриф буюрган болажонлар билан гавжум.**

Мазкур мактаб-интернат республика миқёсида танилган. Унда дастлабки сабоқларни олган Мақсуд Каримов, Рўзимбой Аҳмедов, Илёс Хайров ва Ғайрат Ўдаев сингари футболчилар мамлакатимизнинг етакчи клубларида тўп суришмоқда.

— Айни кунларда вилоятимиз бўйлаб давом этаётган «Футболимиз келажаги» мусобақаларида ҳам мана шу даргоҳда таҳсил олаётган ва футбол бўйича малакасини ошираётган кўплаб ўқувчилар иштирок этмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими етакчи мутахассиси Шуҳрат Бекжонов. — «Футболчи» оромгоҳида вилоятимизнинг барча шаҳар, туманларидан келган 150 нафардан ортиқ болажонлар инглиз тили, компьютер саводхонлиги сингари тўгаракларда қатнашиш билан биргаликда яшил майдонларда футбол бўйича ўз маҳоратларини оширмоқдалар. «Футболчи» бағрида чиниққан ёш спорт ихлосмандлари орасидан келажакда таниқли футболчилар етишиб чиқса, ажаб эмас.

Ота-оналар фарзандларининг дам олиш мавсуми мазмунли ўтаётганидан миннатдор.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»



«ЎКТАМХОН НУР ЗИЁ»
Ўқув маркази ўқишга таклиф қилади!
Ҳар ойнинг биринчи кунидан янги гуруҳ очилади.

Аёллар астарлик костюмшими 1-2 ой
Бисер тикиш 2 ой
Тўй ва оқшом либослари 1-2 ой
Сунъий гул 1 ой
Бичиш-тикиш, моделлаш 1 ой
Рус тили 3 ой
Малака ошириш 1 ой
Инглиз тили 3 ой
Ўзбек миллий таомлари 1 ой
Турк тили 3 ой
Уйғур таомлари 1 ой
Математика 3 ой
Аёллар сартарошлиги 3 ой
Тўқувчилик 3 ой
Тўй, оқшом турмаги, макияж 1 ой
Карвинг 3 ой
Гўзаллик салонига тайёрлаш 1 ой
Торт ва пишириқлар 2 ой
Элита пардалар тикиш 1 ой
Торт олий курси 1 ой
Элита пардалар олий курси 1 ой
Бухгалтерия ҳисоби 3 ой
Эркаклар сартарошлиги 2-3 ой
Тикувчилик 3 ой
Каштачилик, маш.вышивка 3 ой
Сарпо қути, саватлар ясаш 1 ой
Бисердан дарахт, гуллар ясаш 1 ой

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ОЛИНГ.

ЁТОҚХОНА МАВЖУД ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАР КУНИ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томон орқасида.
Тел: +99871 221-77-72
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 221-17-95
Кечки: +99871 225-97-93

Филиал: Ҳамза тумани, Фарғона йўли, Қўйлиқ, 4-уй, 40-хона
Мўлжал: Қўйлиқ универсал савдо мажмуаси рўпарасида.
Тел: +99893 574-61-84
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 295-97-82
Кечки: +99871 225-97-93

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# ҲОСИЛ НЕСТ-НОБУД БЎЛМАЙДИ

**Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида ғалла ўрим-йиғими авжида. Уни нест-нобуд қилмай ўриб олишда ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.**

Далаларда ғалла мўл. Хирмони дон билан кўтарилган юртнинг дастурхони тўкин бўлади. Ҳосилни мисқолигача йиғиб олиш ва дон омборларига ташишни уюшқоқлик билан ташкил этиш долзарб вазифа. Ўрим-йиғим бошланганидан буён давлат ёнғин назорати ходимлари ҳам ғаллакорларнинг ишончли кўмакдошига айланган.

Бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича Ички ишлар вазирлиги ўз тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга кўра, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ кўрсатмалар тайёрланиб, ижроси таъминланаётир. Хусусан, барча ғаллазорлар, омборлар ва хирмонларнинг, машина-трактор паркларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди. Жалб этилган комбайнлар, ёқилғи ҳамда дон ташувчи автомобиллар, тракторларнинг техник ҳолати кўрикдан ўтказилди.

Мавсумда донни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг ҳукумат қарорлари ва кўрсатмаларида кўзда тутилган даражада бўлишини таъминлашга қаратилган тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, ўримдан олдин республикамиздаги 206 та донни қайта ишлаш, қабул қилиш, қуритиш корхонасининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Айни кунларда ёнғиннинг олдини олиш борасида комбайнчи ва бошқа ҳайдовчилар ўртасида тушунтиришлар уюштирилаётир. Ғаллазорларга яқин турар-жойларда, фуқаролар йиғинларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича учрашув ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. Уларда ўрим бораётган ва дон ташиб ўтиладиган йўлларда чекиш, гулхан ёқиш ёки хўжалик ишларида енгил алангаланувчи суюқликлардан фойдаланиш сингари ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан кўрсатмалар берилмоқда.

**А.ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси, майор.**

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Чориев
Нашр навбатчиси: Н.Очилов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23724 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7428 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00